



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ШХТнинг Тошкент саммити хорижий экспертлар нигоҳида



2009 йилнинг июнь ойидан бошлаб Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қилиб келмоқда. Кеча Тошкент шаҳрида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши-

нинг 10-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ташкилотнинг ўтган даврадаги фаолияти яқунлари кўриб чиқилди ҳамда келгуси истиқболлари белгилангани билан муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ушбу ташкилотлар ўртасидаги мулоқотларнинг янада ишончли ва амаллигини таъминлайди, дейилади унинг "Новости" ахборот агентлиги веб-сайтида эълон қилинган мақоласида.

Тошкент саммитининг ўтказилишига муҳим асос бўлди. Покистонлик экспертлар, хусусан, **Пешовар университетининг ректори Азमत Хоннинг** фикрича, ШХТга раислиги даврида Ўзбекистон эътиборли натижаларга эриша олди. Жумладан, ШХТ ва БМТ ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди, ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низоом ва ШХТ иш тартиби қоидалари ишлаб чиқилди. У, шунингдек, ШХТ доирасида аъзо давлатлар савдо-иқтисодий ҳамкорлик қилиш ва ягона иқтисодий бозор ташкил этиш бўйича етарлича истиқболга эга эканини қайд этди. ШХТга аъзо давлатлар минтақаси табиий ва энергетик ресурсларга бойдир", дея таъкидлади у.

"ИФОШОС" интернет порталнинг бosh муҳаррири **Татьяна Синици**нинг мулоҳазасига кўра, Ўзбекистон раислигининг қиймати, энг аввало, аниқликдир. "Турли фикр билдирганлар кўп бўлди, лекин қарован ўз йўлида давом этди. Хусусан, Тошкент декларацияси ҳамкорликнинг ҳуқуқий жиҳатдан расмийлашти-

рилгани билан муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ушбу ташкилотлар ўртасидаги мулоқотларнинг янада ишончли ва амаллигини таъминлайди", дейилади унинг "Новости" ахборот агентлиги веб-сайтида эълон қилинган мақоласида.

Муаллиф, шунингдек, таъриф чоғида БМТ раҳбарига қуриб бораётган Орол денгизининг экологик манзараси яққол кўрсатилганини қайд этди. Бошқа муаммолар қаторида, унинг қисмати ҳам ШХТни ташвишга солмоқда. Экологик йўналиш – ШХТ ва БМТ биргаликда саъй-ҳаракат олиб борганидигина, керакли натижага эришиши мумкин бўлган энг аниқ йўналишлардан биридир.

Россия, АҚШ ва НАТО вакиллари қиради. Бундай дипломатик-маслаҳатлашув органи воситасида Афғонистоннинг ички қарисида ҳам, ташқарисида ҳам келишувга эришиш мумкин.

Мақолада гиёҳванд моддалар савдосини тўхтатиш – муҳим муаммолардан бири эканлиги айтилади. Ташкилотнинг бу борадаги ҳақиқий имкониятларининг ишга солиниши, экспертларнинг фикрича, ушбу масалани ҳал этишга ШХТнинг кўшган улуши бўлади.

"Транспорт коммуникациясини ривожлантириш – ШХТнинг иқтисодий соҳадаги устувор вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Е-40 деб номланувчи халқаро транспорт йўлининг ўз худудида тегишли қисмини реконструкция қилиш бўйича олган мажбуриятини бажариб бўлди. Бундан ташқари, Навоий вилояти худудида ташкил этилган ва Е-40 йўналишининг марказида жойлашган эркин индустриал-иқтисодий зона келгусида нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа иқтисодиёти ривожига таъсир кўрсатувчи куч бўлади", деб ёзади мақола муаллифи.

"Жаҳон" АА.

КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ўз вақтида қабул қилинган иқтисодий қарорнинг изчил амалга оширилиши мамлакатимиз банк-кредит тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш, унинг салоҳиятини мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бу Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Хитой тараққиёт давлат банки ўртасида кредит шартномасини имзолаш маросимида алоҳида таъкидланди. ШХТнинг Тошкентда ўтказилган саммити доирасида имзоланган мазкур шартномага кўра, Хитой банки мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқий йиҳалари, шунингдек, ин-

вестиция лойиҳаларини молиялаш учун 75 миллион АҚШ доллари ажратди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг ушбу иккита йирик молия институту 2005 йилнинг октябрдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу вақт мобайнида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳала-

рини молиялаш учун умумий қиймати 80 миллион доллар миқдорда иккита кредит линияси тақдим этилди. Ўзбекистонлик тадбиркорларга 120 лойиҳа бўйича молиявий ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига Хитой тараққиёт давлат банкнинг кредит линиялари давлат кафолатисиз ва экспорт-импорт агентликларининг суғуртасисиз ишончли шериклик асосида очилган мазкур иккита банк ўртасидаги ҳамкорлик самарали ривожлантирилгандалатдир.

В. РУДАКОВА, ЎзА мухбири.

КИТОБЛАРИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Жорий йилнинг 3-4 июнь кунлари Москва шаҳрида бўлиб ўтган "Китобат санъати" анъанавий халқаро кўрик-танловига МДХ мамлакатларидан бир юз олтига яқин китоб, альбом, маърифий-бадний адабиёт намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида матбаа соҳасини жадал ривожлантириш, замон талаби даражасида жиҳозланган корхоналарни ишга тушириш, бу йўналишдаги халқаро ҳамкорликни кучайтириш, хорижий сармояларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Матбаа корхоналари, нашриёт-матбаа ижодий уйлари, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мутахассисларнинг касб малакаси ва маҳорати-

ни янада оширишга оид кенг қўламли ишлар бунинг ёрқин далилидир. Бундай эътибор ва гамхўрлик самарасида, матбаа корхоналаримиз ўз мақсулотлари билан халқаро китоб ярмаркалари, кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Москвада ўтган "Китобат санъати" анъанавий халқаро кўрик-танловига юртимизнинг етакчи нашриётларида чоп этилган китоблар, суратли альбомларнинг совринли ўринларга сазовор бўлгани бунинг

таъдидидир. Ноширлик соҳасидаги ушбу йирик анжуманга тақдим этилган китобларнинг таҳлил этиш ва баҳолашда уларнинг мавзуси, замонавий дизайни, безатилиши, қоғоз ва бошқа матбаа кўрсаткичларининг сифати, давр талабига ҳамоҳанглиги каби тамойилларга асосий мезон сифатида ёндошилди.

Танловда "Маънавият" нашриётида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими билан ҳамкорликда нашрга тайёрланган "Қорақалпоқ фольклори" альбом-китоби "Ҳамдўстлик" номинациясида биринчи ўринга лойиқ топилди. Айни пайтда мазкур нашриётда чоп

2010 йил – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ



ИСТЕЪДОД ВА ИҚТИДОР НАМОЙИШИ

2005 йилдан бери "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида анъанавий ўтказиб келинаётган "Келажак овози" кўрик-танлови ёшлар учун сеvimли лойиҳалардан бирига айланган. Танлов юртимиз бўйлаб иқтидорли ёшларни кашф этиш, қўллаб-қувватлаш, ёшлар орасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш ҳамда улар қобилиятларининг янги қирраларини очишга хизмат қилмоқда.



Аваллари иқтидорини намойиш этиш истагида бўлган ёшлар ўзлари таълим оладиган ўқув юртига, "Келажак овози" марказлари ва "Қамолот" ташкилотларига ариза билан мурожаат қилишарди. Бу йилдан эса, улар танловда иштирок этиш учун уйдан чиқмаган ҳолда интернет орқали он-лайн тарзда анкета сурвонмаларини тўлдириб имкониятга эга бўлишди. Бу эса, танловнинг нуфузи ва қамрови кенгайиб бораётганидан далолатдир.


Танловда қатнашиш истагини билдираётганлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. 2005 йили биринчи бор ўтказилган танловнинг саралаш босқичида 3 мингга яқин ёш иқтидор

эгалари қатнашган бўлса, ўтган йили 63 мингдан зиёд йигит-қиз лойиҳада ўз билимларини синаб кўришди. Бу йил эса, ариза топширганлар 71 минг 24 нафарга өтди. Вилоятимиздан эса, 6543 нафар ёшлар лойиҳа иштирокини бўлиш истагини билдирди. Шундан 280 нафари танловнинг вилоят босқичига өтди.

Вилоят Маънавият ва маърифат марказида танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган йигит-қизлар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализиаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат, адабий жанр ва публицистика

йўналишларида нималарга қодир эканликларини намойиш этишди. Танловда қатнашаётган ёшларга ҳавасингиз келадими, деди тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан вилоят ҳокимининг ўринбосари Соҳиб Абдуллаев. – Улардаги билимга чанқоқлик, интилувчанлик ва жўшқинлиқни кўриб, келажакимиз нақадар порлоқлигига амин бўласиз. Ёшларимиз ўз иқтидорла-

ўзи чизган тасвирий санъат асарларини намойиш этишга ҳаракат қилган бўлса, кимдир техник ишланмаларини тушунтириб беришга ошиқадими. Катта зал саҳнасидида ёшлар рақс, кўшиқчилик ҳамда фольклор бодида баҳсга киришишди. Айниқса, бир гуруҳ қизларнинг эғнидаги ҳам замонавийлик, ҳам миллийлик уйғунлашган либослар таъриф буюрганларини лол қолдирди. Кўпчилик



рени эмин-эркин намойиш этишларини қўзғаб шундай танловлар ўтказилаётгани бежиз эмас. "Келажак овози" эш ниҳолларининг эртага буюк истеъдодларга айланishiда маҳорат мактаби вазифасини ўтайди. Вилоят босқичи истеъдод ва салоҳият байрамига айлиниб кетди. Кимдир

"наҳотки шу либосларни вилоятимиз қизлари тикишган бўлса", дея ҳайратланди.

Танловда 15 иштирокчи голиб бўлиб, республика босқичига йўлланма олди. **Хуришда ТУРСУНБОВА,** "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТЛАРДА: кўрик-танловда янги номлар ва иқтидорлар кашф этилди. Даврон АҲМАД олган суратлар.

КАСАБА ҲАЁТИ

КҮН ТАРТИБИДА – КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Тадбиркорлик ҳаракати ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий янгилашни палласининг тобора самарали ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бораёпти. Бу жараёнда касоба уюшмасига аъзолик афзалликларини асослаш, юридик шахс мақомига эга бўлган хусусий, қўшма ва бошқа нодавлат корхоналар, уларда меҳнат қилаётган ходимларни тармоқ касоба уюшмасига бирлаштириш, ижтимоий ҳимояни кучайтиришда бошланғич касоба ташкилотлари таъсирини ошириш алоҳида аҳамият касаб этмоқда.

Ўзбекистон савдо ва матбуот кооперацияси ходимлари ҳамда тадбиркорлар касоба уюшмаси вилоят ташкилотининг конференциясида шу вазифаларни изчил амалга ошириш вазифалари муҳокама қилинди. Иштирокчилар тармоқ касоба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Баҳодир Мирзаевнинг 2005-2010 йилларда амалга оширилган ишларга доир маърузасини тинглаб, касоба ташкилотлари барча тарки-

бий бўғинлари фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари ҳақида фикрлашиб олишти. Сўзга чиққанлар касоба ташкилотлари фаолиятини кучайтириш масалаларига алоҳида ургу беришди. Конференция муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиб, юқори касоба ташкилотлари курултойларига делегатлар сайлади. **Жўрабек МУРОДОВ.**

2010 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ГАЗЕТАСИНING ИНДЕКСИ – 205.



Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА

Тошкент вилояти ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан вилоят Танлов комиссияси фаолият юрит-

1. Биринчи навли ун маҳсулотидан нон
2. Биринчи навли ун маҳсулоти
3. Иккинчи навли ун маҳсулоти
4. Иккинчи тоналари гўшт маҳсулоти
5. Ярим дудланган колбаса маҳсулоти
6. Кефир
7. Дудланган гўшт маҳсулоти
8. Товуқ туҳуми
9. Мевали шарбатлар (сок,

10. Сметана 30 %
11. Творог 18 %
12. Пишлоқ 45 %
13. Томат пастаси 30 %
14. Картошка
15. Карам
16. Помидор, бодринг ва кўкатлар
17. Балғари
18. Бақлажон
19. Сабзи

моқда. Комиссия 2010 йил III чорак учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш бўйича куйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилади:

20. Лавлаги
21. Пиёз
22. Турп, шолғом ва редиска
23. Қовоқ
24. Қуритилган мевалар
25. Мевалар
26. Тарвуз
27. Хамиртуруш
28. Крахмал картофельный
29. Комлот консервированный
30. Қиём
31. Сомон

32. Пичан
33. Арпа, сули

Таклифлар 2010 йилнинг 20 июнига қадар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун тел: 150-94-64, 150-93-82.
Манзил: Тошкент ш. А. Темур шоҳқўчаси, 17-уй. Тошкент вилояти ҳокимлиги 3-қават.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссияси томонидан 2010 йил 15 июль соат 18.00 да очик тендер ўтказилади.

1. Битта пакет билан:
ВХ-391 "Бўка АШБ - Кўйлик АШБ" (Бўка томондан)
ВХ-394 "Бўка АШБ - Алхажар - Бўстон ф/у"
ВХ-395 "Бўка АШБ - Туркистон ф/у"
ВХ-396 "Бўка АШБ - Бекобод АББ" (Бўка томондан)
2. Битта пакет билан:
ВХ-398 "Бўка АШБ - Бахмал ф/у"
ВХ-400 "Бўка АШБ - Гулистон ф/у"
ВХ-411 "Янги Турмуш қишлоғи - Пискент АШБ"
ВХ-414 "Бўка АШБ - Паркент ф/у"
3. ВХ-461а й.т. "Туркистон маҳалласи - Ибн Сино АШБ"
4. ВХ-452 й.т. "Иттифоқ қ.ф.й. - Чорсу савдо маркази"
5. ВХ-478 й.т. "Кенсой қишлоғи - 17-шаҳар шифохонаси"
6. ВХ-224 й.т. "Гулбаҳор кўрғони - Эркин - С. Раҳимов м.б. АШБ"
7. ВХ-584 "Чиноз шаҳри - Олмазор кўрғони"
8. ВХ-588 "Олмазор кўрғони - С. Раҳимов м.б."
9. ВХ-590 "Кичик ноҳия - Пахта заводи"
10. ВХ-580 "Ўзбекистон ф/у - С. Раҳимов м.б. АШБ"
11. ВХ-423 "Бургалик қишлоғи - Кўйлик АШБ"
12. ВХ-449 "Ўзбекистон ф/у - Кўйлик АШБ"
13. ВХ-485 "Қибрай АШБ - Шахристон - 17-шаҳар шифохонаси"



ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссияси.

Комиссия манзили:
Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси 4/68-уй.

Очик тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорига пул ўтказиб, 2010 йил 10 июлга буюртма беришлари лозим.

Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобидан турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ичида йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензия бўлган ҳужжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин. Тендер ташкилотчиси - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2009 йил 27 февралдаги 51-сонли қарорлар билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят

Тендер ўтказиш манзили:
Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй.
Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали.
Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш виллоят комиссияси томонидан 2010 йил 10 июнда ўтказиладиган очик тендер савдолари 2010 йил 17 июль соат 18.00 га кўчирилгани ҳақида ҳамда ушбу очик тендер савдоларига қўшимча талабгорларнинг ҳужжатлари қабул қилинмаслигини маълум қилади.

Учтараф тўман фуқаролик судининг 2010 йил 27 апрелдаги қарорига асосан Учтараф тўма, Чилонзор 12-даҳа, Фарҳод кўчасида жойлашган "Иқбол савдо" МЧЖ номига расмийлаштириш кадастр ҳужжатлари **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "СНУВОО INTERNATIONAL" Бектемирский району (ОКПО 22017062) соошават об уменишнинг уставного фонда с 90 390 500 сумов до 10 000 000 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца с момента опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Бектемирский район, ул. Ж. Остонова, д. 14.

Утеранный план дома и домовая книжка по адресу: г. Ташкент, Шахантахурский район, С. Дарвоза тулик Ду-чор дом 18, выданный Шахантахурским БТИ на имя Ворисова Восида, **СЧИТАЕТСЯ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утеранный план на квартиру, расположенный по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, массив Куйлюк-3, дом 8 кв. 54 на имя Гаращенко Владимира Иосифовича, **СЧИТАЕТСЯ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Частная фирма "MAVLONBEK-ALIBEK" (ИНН 204488760) преобразуется в частное предприятие "MAVLONBEK-ALIBEK". Право-преемником всех прав и обязательств частной фирмы "MAVLONBEK-ALIBEK" становится частное предприятие "MAVLONBEK-ALIBEK". Претензии принимаются по тел: 310-55-44.

ТЧСЖ "RAHIMDIL KOMMUNAL" соошават о смене юридического адреса: ул. У. Исмаилова, 17-3 на ул. Исмаилова 17-48 и смене руководителя ТЧСЖ.

ООО "METRO ASSET GLOBAL", зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокмията Мирабадского района г. Ташкент, расположенное по адресу: ул. Афросиёв, 4. (ИНН 300983067, ОКПО 22554650), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 5 от 12.06.2010г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования данного объявления по тел: 186-93-61.

ТАНЛОВ

Ўрта махсус касб-хунаар таълими муассасалари талабаларининг маънавий савиясини юксалтириш, турли зарарли оқим ва гуруҳларнинг таъсиридан сақлаш, қизиқшаридан келиб чиқиб тузилган дастурлар ижросига жалб этиш, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида республика маънавий тарғибот маркази виллоят бўлими, ўрта-махсус касб-хунаар таълими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамкорлигида Олмалик шаҳридаги «Кимёгар» маданият саройида «Кўвноқлар ва зукколар» кўрик-танлови ўтказилди.

«ДИЛКАШЛАР» КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Саралаш босқичида Олмаликнинг «Дилкашлар», Ангреннинг «Осмондаги болалар», Ўртачирчиқнинг «Истиклол» ва Оҳангарон шаҳрининг «Кувноқ талабалар» жамоалари голиблик учун беллашди. Улар «Ташриф», «Миниатюра ва эстрада театри», музыкалик чиқиш каби шартларни бажаришди. Якуний натижаларга кўра Олмалик шаҳрининг «Дилкашлар» жамоаси виллоят босқичига йўланмани кўлга киритди.

Тадбир сўнгиде голиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Шоҳруҳ ҲАКИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.



O'ZSANOATQURILISHBANK

инвестициявий лойиҳаларни миллий валютада молиялаштириш дастурини таклиф этишдан мамнунлигини билдиради

Инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш бўйича кредитлар куйидаги мақсадларга берилиши мумкин: ускуналарни харид қилиш, хусусий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги учун минитехнология ва ускуналар сотиб олиш, халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳаси билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турларига.

Инвестициявий лойиҳаларни кўриб чиқиш учун банкка такдим қилинадиган ҳужжатлар рўйхати:

- Кредит олиш учун кредит буюртмаси;
- Низом ва Таъсис шартномасининг нусхаси (нотариус томонидан тасдиқланган);
- Пул оқими таҳлили мажбурий тарзда кўрсатилган бизнес-режа;
- Корхонанинг охириги 3 йил учун чораклар кесимидаги солиқ назорати томонидан тасдиқланган бухгалтерлик ҳисоботи, куйидаги таркибда: баланс 1-шакл, молиявий натижалар ҳақида ҳисобот Ф-2, дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақидаги маълумотнома 2-шакл.
- Ускуналар, хом ашё ва материал етказиб бериш бўйича шартномалар;
- Ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сотиш бўйича шартномалар;
- Ишлаб чиқариш жойлашадиган кўчмас мулкни тасдиқлаш ҳужжати ёки ижара шартномаси;
- Сотиб олинаётган ускуна-

нинг техник паспорти ва рақобат варақаси;

- Кредит таъминотининг турларидан бири.

Ушбу рўйхат охириги деб ҳисобланмайди, зарурат туғилганда банк қўшимча ҳужжатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш учун кредит беришнинг асосий шартлари:

- Инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш учун кредит бериш асосан пул оқими ва лойиҳа даромадини қарадорликни ундириш учун восита сифатида кўзда тутати;
- Инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш учун кредит миллий валютада нақд пулсиз

шаклида берилади;

- Инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш фақат Ўзбекистон Республикасининг резидентларига тақдим этилади;

• Кредит ҳисобидан сотиб олинаётган мол-мулк ликвидли бўлган тақдирдагина кафолат сифатида хизмат қилиши мумкин;

- Кредитдан фойдаланиш муддати лойиҳа қопланишидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилади;

• Фоиз ставкаси миқдори қарз олувчи ва банк ўртасидаги ўзаро келишувга кўра кредит шартномаси асосида ўрнатилади;

- Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни сўндириш мўлжалдаги пул оқимини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган жадвалга асосан амалга оширилади.

Бош офис:
Тошкент ш. 100000,
Шахрисабз кўчаси, 3-уй.
Мурожаат учун телефонлар:
120-35-95, 120-36-20.

Тошкент вилояти ЎзСҚБ:
Тошкент ш., Абай кўчаси, 10-А уй.
Мурожаат учун телефонлар:
241-81-35, 244-56-10.

ЎзСҚБ Чирчиқ филиали:
Чирчиқ ш., А. Навоий кўчаси, 66-уй.
Мурожаат учун телефонлар:
8-370-716-61-86,
8-370-715-16-43.

Қўшимча маълумотларни Сиз кўрсатилган телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин.

ЎзСҚБ Қибрай филиали:
Зебинисо кўчаси, 7-уй.
Мурожаат учун телефонлар:
8-371-289-29-58,
8-371-150-20-10.

ЎзСҚБ Ангрен филиали:
Ангрен ш., Истиклол кўчаси, 3-уй.
Мурожаат учун телефонлар:
8-370-662-17-54,
8-370-662-20-82.

ЎзСҚБ Олмалик филиали:
Олмалик ш., Саноат ҳудуди.
Мурожаат учун телефонлар:
8-370-613-34-69,
8-370-613-01-82.

Ўзсаноатқурилишбанк - тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда - Суд департаменти)нинг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси юзасидан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танловда қатнашиш учун савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очик танловга таклиф этади.

1. Умумий шартлар:

Танлов ташкилотчиси - Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси.

Очик танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш кўйилади.

Ўтказиладиган танловнинг мақсади - суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш;

Танлов ўтказиш Комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси биносиде (Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй) 2010 йил 12 июндан ҳар кун соат 10.00 дан 17.00 га қадар амалга оширилади.

1) 2010 йил 13 июль кун соат 15 дан 18 гача:
Ангрен, Оҳангарон, Олмалик шаҳарлари, Оҳангарон, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ ва Паркент туманлари бўйича;

2) 2010 йил 14 июль кун соат 15 дан 18 гача:
Бекобод шаҳри, Бўка, Бекобод, Пискент, Кўйичирчиқ, Оқкўрғон ва Чиноз туманлари бўйича;

3) 2010 йил 15 июль кун соат 15 дан 18 гача:
Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари, Қибрай, Бўстонлик, Янгийўл, Зангиота

ва Тошкент туманлари бўйича танлов ўтказилиб, танлов натижалари бўйича голиблар аниқланади.

2. Танлов шартлари ва танлов голибларини аниқлаш мезонлари.

Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шаҳобчаси, назорат-касса машинаси ва терминаллар мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

Куйидаги юридик шахслар танловга қатнашишга кўйилмайди:

- қайта ташкил этиш, туғатиш ёки банкрот арасида бўлган;
- олти ойдан кам муддат давомиде фаолият юритаётган;
- охириги 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.

Танловда голиб чиқишнинг асосий мезонлари:

- истеъмолчи учун жойлашган жойининг қулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги);
- мол-мулкларнинг сақланиши, туркумлини, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;
- мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маблағлари;
- мавжуд яроқли техникаси;
- ходимларнинг малакаси ва иш

тажрибаси;

- кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг паслиги;

3. Танловда иштирок этиш учун такдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

- комиссия номига ариза;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йил учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1 ва 2-шаклда) нусхаси;
- савдо ташкилотиде назорат касса машинаси ва терминалларнинг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;
- савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқи мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10x15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);
- мол-мулкларнинг сақланиши, туркумлини, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек 10x15 ҳажмдаги рангли фотосуратлар (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилади) ва уларга бўлган ҳуқуқи тасдиқловчи ҳужжат-

лар;

- савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш таърибаси тўғрисида маълумот;

- талабгорнинг мажбуриятлардан ҳоли пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;

- талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиш мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;

- кўрсатилган хизмат учун чегирмаси миқдори тўғрисида таклиф (10 фоиздан кўп бўлмаган).

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун ружсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, шунингдек нотариал тасдиқланган ружсатнома ёхуд лицензиянинг нусхаси ҳам такдим этилади.

Талабгорлар мазкур эълонда белгиланган баҳолаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни такдим қилишлари мумкин.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар савдо ташкилоти номидан ҳаракат қилувчи вакил томонидан топшириладиган бўлса, унда унинг ваколатларини тасдиқловчи ва тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.

Аризага талабор томонидан такдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзоланган ҳолда илова қилинади.

Юқориде белгиланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва маз-

- муни Ўзбекистон Республикаси Қонунлари талабларига жавоб бериши лозим.

4. Талабгорлар томонидан такдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби:

Ариза ва ҳужжатлар Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси биносиде (Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй, тел: 253-98-20, 253-14-45) Комиссия ишчи органи - ҳудудий бошқарманинг статистика ва таҳлил бўйича сектори (инспектори) томонидан 2010 йил 7 июль кунига қадақ қабул қилинади.

Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзил бўйича "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкларни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлов"га деган белги билан юборилиши керак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда такдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди 2-хатбошида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, танловга такдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

Суд департаментининг Тошкент вилоят ҳудудий бошқармаси танлов ўтказиш комиссияси.

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Канал киргоғи бўйлаб бир чақирим юрлаган, шаҳарчага беговчи кўприк келди...

ИНСОФ

Кўприкдан ўтганини кўрган. Лекин кўзига ишонмайди. Угли тенги боланинг беҳафсала жавобидан сўнг гўё хотиржам бўлади...

Дўкдорнинг авзойи ўзгарди. Энциси қотганча, қўлқопини енаётми мингиллади...

Дўкдорнинг авзойи ўзгарди. Энциси қотганча, қўлқопини енаётми мингиллади...

Собиржон ИНОМОВ.

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА

ҚАРИНДОШГА ҚУДА БЎЛИШ ОСОН, ЛЕКИН...

Инсон ҳам табиятадаги умумбиологик қонунларга таъминланган бўлиши керак. Айниқса, бу қонуният инсоннинг шахсий ҳаётида, ирсиятида яққол акс этган.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти 1966 йили дунёнинг турли мамлакатларидаги 38 та илмий марказ маълумотларини умумлаштирди...

Демак, соғлом, бақувват, бенуқсон фарзанд ва авлодлар ҳақида ўйлар эканмиз, аввало, ҳар бир ўғил-қизимизга фойдали маслаҳатлар бериб боришимиз керак...

Дилбар РАЖАБОВА, тиббиёт коллежи ўқитувачиси.

БОЛАЛАР ЖУРНАЛИ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан "Булоқча" ("Родничок") бола-лар экологик журнали нашр этила бошланди.

Ниясона сони тақдироти бағишланган тадбирда журналининг ўсиб келатган баркамол авлодининг она табиятга меҳр-муҳаббат руҳида воёга етиши ва экологик тарбиясини кучайтиришдаги аҳамияти хусусида гапирилди.

Болалар ва ота-оналар учун илмий-оммабоп, бадиий-адабий, тасвирий экологик 15 варақли бу журнал ўзбек ва рус тилида чоп этилади.

Унда экологик мавзудаги шеър, эртақ-хикая, мақола ва болалар чизган расмларни кўриш мумкин. Тадбирда "Тонг юлдузи" газетаси ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида эълон қилинган "Онажоним табият" иншо-лар танловига ақун ясалди.

Танловга республика-мизнинг турли ҳудудлари-дан сермазун, табиат манзараларини тараннум этувчи расмлар билан бойитилган 400 га яқин иншо-лар келиб тушди, — дейди "Тонг юлдузи" га-зетаси бош муҳаррири Тўлқун Хайитов. — Теварак-атрофини асраш, авай-лаш хисси болаликдан, мурғак қалбдан бошлана-ди. Аҳамиятисиз, иншо-ларда болажонларнинг табиятга нисбатан чексиз муҳаббатини, юртимизнинг гўзал гушаларини таран-нум этишга иштиёқини ку-затиш мумкин.

Танлов голиби ва совриндорлари Ўзбекистон экологик ҳаракати томони-дан махсус диплом билан тақдирланди. Шунингдек, анъанавий ўтказиб келина-ётган экожурналистика республика танлови эълон қилинди. Танлов 2009 йил-нинг 1 декабридан 2010 йилнинг 30 ноябригача телевидение, радио, босма ОАВ, интернет ва энг яхши экологик нашр йўналишлари бўйича ўтказилди.

Рахсона ТОШПҮЛАТОВА, "Туркистон-пресс".

ОДАМ САВДОСИ

Малика, Фазилат ва Раъноларнинг орзулари бир олам эди. Бири бошлаган қурилишини охирига етказмоқчи, бошқаси пул топиб, тадбиркорлик билан шуғулланишни ният қилганди...

Хориждаги фоҳишахона-ларда икки йил умрини ўтказиб, бири тузалмас дард — ОИТСни юқтириб, яна бири ҳомила билан ўйга қайтди. Оғир дардада қалиниб, ўз келажигидан умид узган Малика ўзини қўп қаватиб ўй-дан ташлаб, ҳалок бўлди...


Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорлигида Қўйчиқ туманидаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги ҳамда агросаноат қасб-хўнар коллежларида, шунингдек, Бўстонлиқ туманидаги ўқув муассасаларида ўтказилган тадбирда вилоят педагогика коллежи талабалари саҳнада намойиш этган "Сўнги пушаймон" спектаклида юқоридаги воқеалар маҳорат билан кўрсатиб берилди.

Миллий гоё тарғиботи, одам савдоси ҳамда диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш мавзуларига бағишланган ушбу тадбирда тумандаги маҳалла оқсозқол-лари, уларнинг маслаҳатчи-лари, фаоллар ва ёшлар иш-тирок этишди.

Тадбирда таъкидлангани-дек, бугунги кунда одам савдоси ҳамда террорчилик на-фақат ўзбекистон, балки жа-ҳон жамоатчилигини таш-вишлантираётган муаммо-лардан бирига айланди. Бу-нинг ортидан минглаб бе-ғунох одамлар жабр кўрмоқ-да. — Бугун юртимизда одам савдосига қарши курашиш мақсадига махсус қонун ва қарорлар қабул қилинган, — дейди вилоят прокуратура-си ходими Музаффар Дўстқориёв. — Хусусан, Ўзбекистон Республикаси-нинг "Одам савдосига қар-ши курашиш тўғрисида"ги Ко-нун ҳамда республика Пре-зидентининг "Одам савдо-сига қарши курашиш сама-радорлигини ошириш чора-

тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида вилояти-мизда қатор амалий чоралар кўриломоқда. Шунга қарамай, сохта ваъдаларга ўчиб, мўмай даромад илжинида хорижга йўл олаётганлар ва аксарият ҳолларда алданиб қолаётганлар учраб турибди. Вилоят ИИБ маълумотла-рига қараганда, шу йилнинг ўтган беш ойи мбайнинг одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш юза-си-

ҲОЛВА ДЕБ, ҲАЛОВАТИНИ ЙҶҚОТГАНЛАР



дан 44 та ҳолат бўйича дастлабки тергов суриштирув ишлари олиб борилиб, 19 шахсга нисбатан жиноят иши кўзғатилган. Масалан, Тошкент шаҳрида яшовчи Г. Солиева 2009 йил Жинди-стонда яшайдиган опаси Ф. Солиева билан жиноий тил бириктириб, ўзбекистон-лик қизларни "энағалиқ қилисизлар" деб, 300 АҚШ-доллари миқдоринда ойлик маош ваъда қилиб, Дехли шаҳрига жўнатиб юборди. С. Алимризаева ҳам опаси-сингиллари ўлжасига айлан-ди. Уни Дехлига Ф. Солие-ва кўтиб олди ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини олиб қўйиб, фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилди. Касал бўлиб қолган, Тошкентга жўнатиб юборди. Ушбу ҳолат бўйича жино-ий иш кўзғатилиб, Г. Солие-

вани 3 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси бел-гиланди.

Чирчиқ шаҳрида яшовчи А. Штефан таншиси Ж. Дав-летовва қизи Г. Штефан-нинг оламдан ўтгани, унинг 3 йилга қизи Каринани мод-дий жиҳатдан тўқ бирор оилага 500 АҚШ долларига сотмоқчи эканлигини айта-ди. Ж. Давлетовадан бу тақ-лифини эшитган К. Урмонов жиноятнинг олдини олиш

ғи қайси фуқаро хорижга чиқиб кетаётганини билмай-диган оқсоқолни ёки унинг маслаҳатчиларининг фао-лиятини қандай баҳолаш мумкин? — Иш қидириб, хорижга о-ланаётганларнинг айрим-лари турли бузғунчи гуруҳ-ларнинг таъсирига тушиб қо-лаётгани ачинарли ҳол, — дейди вилоят бош имом ҳа-тиби ўринбосари Юсуфхон Муҳиддинов. — Улар турли террорчилик хатти-ҳаракат-ларига қўшилиб, ўз орти, халқига қарши бораётган-ликлари янада янчилириди. Шунинг учун ҳар қандай хо-латда ҳам бепарво бўлмас-лигимиз лозим. Жойларда, аҳоли ўртасида, айниқса, ёшларга миллий қадриятла-римизни чуқурроқ тарғиб қилиш, асл диний гоёларни уларнинг онгига тўғри синг-дириш лозим.

— Ишлайман деган одам-га шу ерда ҳам хоҳлаганча иш топилади, — дейди Қу-йчиқ туманидаги "Ўзбе-кистон" кишлоқ фуқаролар йи-ғини раиси Насрулла Зия-дуллаев. — Кишлоқ жойда томорқасидан ҳам етарлича даромад олаётган юртдош-ларимизни кўрганда қувона-ман.

Дарҳақиқат, бугун юр-тимизда янги иш ўринларини очиб мақсадли қор тад-бирлар амалга оширилмоқ-да. Хусусан, вилоятимизда мавжуд корхоналарни кен-гайтириш, микрофирмалар таш-кил этиш ва яқка тартиб-даги тадбиркорликни йўлга қўйиш орқали шу йилнинг ў-зида 34 миң 297 та янги иш ў-ринлари яратилди. Шунинг-дек, жойлардаги банд-ликка кўмаклашиш марказ-лари ва қатор ҳамкор таш-килотлар билан ўтказилган меҳнат ярмаркаларида иш-сиз фуқаролар мўқим иш-жойларига эга бўлилар.

Тадбир сўнгидея Сайёра Файзиева бир жиҳатга ало-ҳида урғу берди. — Қаердаки ёшлар қаров-сиз қолса, уларга "эга чи-қувчи"лар қўлаяди, — дей-ди у. — Ўз йўлига юргизиши, ногорасида ўйнатиши хо-ҳловчлар топилади. Бугун юртимизда олиб борилаётган ёшлар сиёсати, қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлардан асосий мақ-сад ёшларни ҳеч қимга бе-риб қўймаслик, уларни Ва-тани ва халқига садоқат ру-ҳида тарбиялашдир. Равайн ЁҚУБЖОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ШАҲЗОДАНИНГ «БАҲОРИ»

Зангиота туманида Баркамол авлод йилга бағишлаб «Жажжи истеъ-до» кўрик-танлови ўтказил-ди.

Унда 12 та мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари истеъ-доларини намойиш этишди. Пировардида 31-болалар боччаси вақил-лари голиб чиқиди.

Танловда "Баҳор" рас-мини намойиш этган шу муассаса тарбияланувчи-си Шаҳзода Эргашева истеъдоди энг юқори баҳо олди. Жўрабек МУРОДОВ.

Спорт

КУБОК УЧУН КУРАШ ҚИЗГИН

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги учун мусобақанинг дастлабки саралаш босқичи-дан мунтазам равишда ўтган қатор йилларда кўра, жамоалар бу босқичда иккита учра-шува — ўз майдонида ва сафарда ўйнайди.

Кубокни кўлга киритган жамоага келаси мавсумда Осиё чемпионлар лигаси-да қатнашиш ҳуқуқи бери-лади. Шунинг учун етатчи жамоалар рақиб томони-дан жиддий қаршиликка учрамоқда. Беқубодда ў-тказилган учрашувада шундай бўлди. "Метал-лург" футболчилари мам-лакат кубогининг амалда-ги соҳиб "Пахтакор"ни 4:3 ҳисобида енгди.

"Пахтакор" мураббий-лари Беқубодда асосан ёш футболчиларни май-донга туширди. Биринчи бўлимда Санъат Шихов-нинг бир жуфт голи эва-зига олдинга чиқди. Беко-бодликлардан Даврон Ка-римқулов, Ҳикмат Хоши-мов, Зоҳид Абдуллаев ва Руслан Вагапов "Пахта-кор" дарвозасини ишгол қилди. Уйин ақунлиниши-га бир дақиқа қолганида Боян Миладинович пе-нальтини аниқ бажариб, ҳисобини қисқартди. Куч-ли жамоани 4:3 ҳисобида мағлубиятга учратган "Ме-таллург" футболчиларига

Спорт

ВОЛЕЙБОЛ

Хотин-қизлар ўртасида ўтказилган мамлакат чемпионати Ўзе-бекистон давлат жисмоний тар-бия институти жамоаси гала-баси билан ақунланди. Пой-тахтликлар ўз фаолияти да-вомида ўн бешинчи бор че-пионликни нишонлади. Нуқ-с давлат педагогика институти жамоаси иккинчи мартаба кумуш медалини кўлга кирит-ган бўлса, Урганчининг "Хо-размколлеж" жамоаси брон-за медалга сазовор бўлди.

Фигурали учиш. Пойтахтимизда етмиш на-фардан зиёд ёш спортчи иш-тириқда ўтказилган ўсмир-лар турнирида Шохсанам То-ҳирова шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Ри-на Моқризова иккинчи, Анас-тасия Қришчева учинчи ўрин-га лойиқ топилди.

Велоспорт. Тошкент шаҳрида ўтказилган мамла-кат чемпионатида жуфтлик-лар ўртасидаги пойгада пойтахтлик Ярослав Мала-хов ва сирдарёлик Ваҳид Шайхон дуети шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Меэбон спортчилар-дан Темура Пулатов ва Ру-слан Фёдоров иккинчи ўрин-ни эгаллаган бўлса, Дми-трий Лозовый ва Дмитрий Го-ловин жуфтликдаги учинчи ўрин насиб этди. Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎЗА мухбири.

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган расм.

"ВОУСНЕСНАК-ВЕР'ЗОД" МЧЖ устав фондини 5 551 296 сўмдан 2 313 040 сўмга камайтирилганини маъ-лум қилади.

Шайхонтоҳур тумани Тадбиркорлик субъект-ларини рўйхатдан ўтка-зиш инспекцияси томо-нидан 04.02.99 йилда № 113 реестр рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 202788706) "TALAS" ху-сусий фирмасига тегиш-ли бўлган далолатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный угловой штамп, выданный раз-решительным отделом РОВД Мирабдского района на ООО "METRO ASSET GLOBAL" (ИНН 300983067), СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

САЛОМАТ БЎЛИНГ

ЮРАККА МАЛҶАМ ГИЁҲЛАР

Келиб чиқishi ва кечиш жараёнига кўра, турлича бўли-ши мумкин. Бу касалликларни даволашда халқ табиобати-да бир қатор усуллардан фойдаланилади. Болгариялик машҳур табиб Ванганинг масла-ҳатига кўра, юрак хаста-ликларининг олдини олиш учун дўлана гули-дан тайёрланган дамла-ма бир йилда 4 кун 4 маҳалдан ичилади. Асаб бузилиши натижасида юрак уришидан шикоят қилган аёл ярим кило-грамм лимонни асал билан аралаштириб, эрта-лаб ва кечқурун бир ош қошиқдан ичиб туриши керак. Ибн Сино қора анғиз-

бўлиб, юрак хасталиклар-ини даволашда фойда беради. Лимон ўсимлиги бар-гидан тайёрланган дамла-ма камқонлик, юрак касал-ликлари, овқат ҳазм бўли-ши бузилишида фойдали эканлиги таъкидланди.

Саҳратқи гулидан тай-ёрланган дамлама марказ-ий асаб тизимини тинч-лантирувчи ва юрак фао-лиятини яхшиловчи дори-си сифатида қўлланилади. Булардан ташқари, нилу-фарқ дамласини ичиш, туҳум саригини ейиш, кашиничи кўпроқ истеъ-мо қилиш ҳам юрак учун фойдали. Дамламани тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қўйиб, ўсимлик-нинг майдаланган тилси-мон гулидан бир чой қошиқ солиб, бир соат дамланади, сўнгра доқ-дан сузиб, 3 маҳал ярим стакандан ичиб турилади. Шамоллашнинг олдини олиш учун қиш пайтлари уй шароитида 8-10 та наъматак мевасини чой-накка солиб, унга 300 грамм қайнаб турган сув

ШАМОЛЛАШНИНГ ДАВОСИ ОСОН

Бўтақў гуларининг дамламаси халқ табиобатида ша-моллашда, кўкйўта ва қуруқ йўта тутушида қўлланиб келинган.

Дамламани тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қўйиб, ўсимлик-нинг майдаланган тилси-мон гулидан бир чой қошиқ солиб, бир соат дамланади, сўнгра доқ-дан сузиб, 3 маҳал ярим стакандан ичиб турилади. Шамоллашнинг олдини олиш учун қиш пайтлари уй шароитида 8-10 та наъматак мевасини чой-накка солиб, унга 300 грамм қайнаб турган сув

РАССОМ ХАНДАСИ

Утеранный угловой штамп, выданный раз-решительным отделом РОВД Мирабдского района на ООО "METRO ASSET GLOBAL" (ИНН 300983067), СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

TOШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳоқимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: 236-55-54, 236-55-03, 236-53-54.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир. Навбатчи муҳаррир Жўра САБДУЛЛАЕВ